

Pearson BTEC Ўзбекистон 4-даража

Омбор назорати

соҳаси бўйича

Малакалар

5-модул: Омбор муҳитида талабларга мувофиқлик

Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



Edexcel, BTEC va LCCI малакаси

Edexcel, BTEC va LCCI малакаси бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

Pearson ҳақида

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги етакчи таълимга оид компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com. сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).

Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.

ISBN 978 1 446 96331 8

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади.

Мундарижа

Кириш	1
5-модул: Омбор муҳитида талабларга мувофиқлик	3
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	9
Дарс режаси	25

Кириш

Ушбу буклет Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даража Омбор назорати соҳаси бўйича малакалар спецификациясига қўшимча ҳисобланади.

Спецификация сизга нимани ўргатиш ва нимани баҳолаш кераклигини кўрсатиб беради. Мазкур буклет сизга буни қандай бажаришингиз тўғрисидаги таклиф ва ғояларни тақдим этади.

Ушбу буклет сизга амалий машғулотлар, реал сценарийлар, иш берувчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш усуллари ва мустақил ўқишни бошқариш усуллари, шунингдек баҳолаш усуллари ўз ичига олган ҳолда таълим бериш ва ўрганиш бўйича ғояларни тақдим этади. Шунингдек, рисола спецификацияларнинг мазмуни амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатиб беради ва сизни малакани оширишнинг турли усуллари ҳақида ўйлашга ундайди.

Мазкур буклет сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни қандай олиб бориш бўйича қўлланма;
- малакадаги модулларини тақдим этишни қўллаб-қувватлаш учун тавсия этилган манбалар;
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинган мавзулар, машқлар ва баҳолашларни кўрсатувчи иш схемалари;
- модулларнинг мазмунини ёритиш учун дарсларни қандай ўтказиш ҳақида батафсил қўлланмани ўз ичига олган дарс режалари.

Ушбу буклетдаги маълумотлар, малакаларни ишлаб чиқишда иштирок этган ўқитувчилар томонидан тузилган, шунинг учун улар ВТЕС малакасини тақдим этишнинг янги ва қизиқарли усуллари топиш қийинлигини тушунадилар.

Мазкур буклетда келтирилган ўқув қўлланма, малакани тақдим этишни режалаштиришда нимани эътиборга олиш кераклиги ҳақида маълумотни ўз ичига олади, шу жумладан:

- малакангизнинг тузилмаси
- қандай қилиб ўз ўқувчиларингиз учун малакани шакллантиришингиз мумкинлиги
- тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишингиз ҳақидаги таклиф
- бошқа қўллаб-қувватлаш ва мавжуд манбалар тўғрисида маълумот.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этмоқдамиз. У ўқув мақсадларига ва модул таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, унда ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.

5-модул: Омбор муҳитида талабларга мувофиқлик

Ўқув қўлланма

Модул билан танишиш

Ушбу модулнинг мақсади ўқувчиларга зарур билимларни бериш ва омбор жамоалари қонун – қоидаларга риоя қилиши ва ташкилий сиёсат ва жараёнларнинг мувофиқлигини таъминлаш муҳимлигини тушунишдир. Ўқувчилар, ушбу мувофиқлик омбор бошқарувчиси ва ташкилотнинг роли ва мажбуриятларига қандай таъсир қилишини тушунадилар. Ўқувчилар соғлиқни сақлаш, товарлар, бинолар, одамлар ва маълумотларнинг хавфсизлиги, шунингдек омборнинг ишлашига қандай таъсир кўрсатиши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва қоидалари ҳақидаги тушунчаларини ривожлантирадилар. Шунингдек, улар ташкилот, омбор жамоаси, мижозлар ва етказиб берувчилар учун талабларга риоя қилмасликнинг оқибатларини ўрганадилар.

Ушбу модул ўқувчилар томонидан олиб бориладиган кўплаб машқлар ёрдамида турли хил ўқув ва ўқитиш усуллари ёрдамида таъминланади. Ўқувчилар турли хил тадқиқот ресурсларига ва иш ташрифларига кириш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Ушбу модулда сиз бир қатор ўқув усулларида фойдаланишингиз мумкин, шу жумладан:

- мунозаралар – талабларга риоя қилишнинг аҳамияти ва белгиланган талабларга риоя қилмасликнинг мумкин бўлган оқибатлари тўғрисида синфлар ва кичик гуруҳлардаги муаммолар;
- индивидуал ёки гуруҳли тақдимотлар;
- ҳақиқий сақлаш муаммолари, бахтсиз ҳодисалар ва талабларга риоя қилмаслик бўйича кейс – стади;
- омбор операциялари ва уларга риоя қилиш муҳимлиги тўғрисида ОАВ ва савдо журналларидаги мақолалар;
- механик ва қўлда кўтариш мосламаларининг фотосуратлари;

- замонавий автоматлаштирилган тизимларнинг видеоёзувлари;
- модул қамраб олган мавзуларни ўрганиш учун интернет ва / ёки кутубхона ресурсларидан фойдаланган ҳолда тадқиқотлар ўтказиш;
- замонавий ишлайдиган омборда, талабларга риоя қилиш муҳимлигини тушунтириб берадиган турли ташкилотлардан таклиф этилган спикерлар;
- омборда мувофиқликни таъминлашнинг турли функциялари ва усуллари кузатиш учун мавжуд омборларнинг иш жойларига ташриф буюриш.

Гуруҳда ишлаш бу ўқишнинг мақбул шакли, аммо ҳар бир ўқувчи баҳолаш учун етарли бўлган ўз далиллари тақдим этганига ишонч ҳосил қилишингиз лозим.

Ушбу модулни тақдим этишда сиз маҳаллий иш берувчиларни жалб қилишингиз мумкин:

- замонавий омборда талабларга риоя қилиш муҳимлигини тасдиқлаш учун, уларни таклиф этилган спикерлар сифатида таклиф қилиш;
- ўқувчиларга омборхонадаги ҳақиқий иш муҳитини синаб кўришлари ва хавфсиз ва мос омборни кузатишлари учун ўз биноларига кириш имкониятини бериш;
- ўқувчиларга иш материалларига кириш имконини бериш, масалан, мисоллар тариқасида ва кейс – стади учун асос тариқасида ҳужжатларни қабул қилиш ва юбориш.

Ўқувчилар бир қатор ташкилот омборхоналарга кириш ҳуқуқига эга бўлишлари лозим:

- таклиф этилган спикер;
- кейс-стади;
- ҳақиқий омбор муҳитига.

Модулнинг бошланиши

Сизга модулни ўрганишнинг битта усули учун бошланғич нуқта берилади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

5-модул: Омбор муҳитида талабларга мувофиқлик
<p>Кириш</p> <p>Модулни ўқувчиларга ўқув мақсадлари, мазмуни ва модулни баҳолашга бўлган талаблар тўғрисидаги тақдимот орқали таништиришдан бошланг.</p>
А ўқитиш мақсади – Омборларга жойлаш ва таъминот занжирини тартибга солувчи қоидаларни тушуниш
<p>Дастлаб, ушбу ўқув мақсадини қамраб оладиган мавзулар бўйича гуруҳ муҳокамасини ўтказинг.</p> <p>Ўқувчилардан саломатлик ва хавфсизликнинг умумий қоидаларини, шу жумладан қайси операциялар / машқлар билан боғлиқлигини, омбор бошқарувчисининг роли ва мажбуриятларига муносабати ва қоидаларга риоя қилишнинг аҳамиятини муҳокама қилиш учун жуфт бўлиб ишлашларини сўранг. Ўқувчилар омбор мудирини ўз гуруҳидаги талабларга мувофиқликни таъминлаш учун нима қилишлари кераклигини билиб оладилар.</p> <p>Ўқувчилардан омборхонадаги одамларнинг ушбу қоидаларга риоя қилишлари керак бўлган ҳаракатларни муҳокама қилиш учун гуруҳ ёки жуфт бўлиб ишлашларини сўранг. Ушбу жараён доирасида ўқувчилар ташкилот, шахслар ва кенг муҳит учун талабларга риоя қилмаслик оқибатларини муҳокама қилишлари ва ўрганишлари лозим.</p>
В ўқитиш мақсади – Омборда ишлашнинг хавфсиз усулларини қўллашни билиш
<p>Ўқувчиларни ўқув мақсадлари билан таништиришдан ва улар нималарни қамраб олишларини тушунтиришдан бошланг. А ва В ўқитиш мақсадлари учун баҳолаш талабларини кўриб чиқинг.</p> <p>Соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик сиёсати, унинг мақсадлари ва таркибининг ташкилий сиёсатини ўрганиш учун ўқувчилардан гуруҳларда ишлашларини сўранг. Кейин улар асосий бўлимлар / соҳаларни ўз ичига олган соғлиқ ва хавфсизлик бўйича умумий сиёсат режасини тайёрлайдилар. Таваккал ва хавф ўртасидаги фарқни тушунтириш учун ўқувчилардан жуфт бўлиб ишлашларини сўранг.</p> <p>Бошқариш иерархияси ҳақида бутун гуруҳ билан муҳокама ўтказинг. Хавфни баҳолашни тушунтиринг ва омборхонадаги умумий хавфларни аниқлаб, ўқувчилардан ушбу сценарий бўйича хавфларни баҳолашни сўрашларини</p>

5-модул: Омбор муҳитида талабларга мувофиқлик

сўранг. Шундан сўнг, ўқувчилар ўзларининг натижалари ва тавсиялари билан ўртоқлашишлари учун синфда мунозара ўтказинг.

Ўқувчиларга соғлиқ учун зарарли моддалар назорати, ёрлиқлаш ва қадоқлаш, CLP таснифлаш қоидалари тўғрисида маълумот беринг. Ўқувчилардан ушбу қоидаларнинг иш жойидаги аҳамиятини гуруҳларда муҳокама қилишни сўранг.

Ёнғин келиб чиқиш сабабларини ва тегишли хавфсизлик чораларини муҳокама қилинг. Омборларнинг расмларини беринг ва ўқувчилардан улардаги ёнғин сабабларини ва мавжуд хавфсизлик чораларини аниқлашларини сўранг. Ўқувчилар ёнғин машқларини бажарадиган машқларни тасвирлаб беринг ва кейин уларни яхшилаш мумкинлиги ҳақида муҳокама қилинг.

Ходимлар, менежерлар ва бутун ташкилот учун хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик оқибатлари тўғрисида мунозара ўтказинг. Хавфсиз иш фаолиятини назорат қилиш учун мавжуд омборга ўқувчилар ташрифини ташкил қилинг.

С ўқитиш мақсади – Омбор хизматлари ва таъминот занжири соҳасида хавфсизлик ролини тушуниш

Ўқувчиларни ушбу ўқув мақсади ва омбор ишларида хавфсизликнинг аҳамияти билан таништиринг. Ўқув мақсади нимани қамраб олишини ва қандай баҳоланишини тушунтиринг.

Ўқувчилардан захиралар, бинолар, одамлар ва маълумотларга нисбатан омбор хавфсизлигини таъминлаш зарурлигини ўрганиш учун гуруҳларда ишлашларини сўранг. Турли хил хавфсизлик чораларининг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида баҳслашинг. Бундай ҳолатлар учун ўқувчилардан хавфсизликнинг энг мос чораларини аниқлашларини сўранг.

Ўқувчилардан, агар омбор хавфсизлиги таъминланмаган тақдирда, нима бўлиши мумкинлиги ҳақида батафсил баёнот билан тарқатма материаллар тайёрлаш учун биргаликда ишлашларини сўранг.

Бошқа ВТЕС модуллари ва малакаларига ҳаволалар

Ушбу модул қуйидагиларга ишора қилинади:

- 3-модул: Омбор жараёнларини бошқариш.
- 7-модул: Омбор жараёнларини бошқариш.
- Иш кўникмаларининг малакаси.

Ресурслар

Китоблар

Chopra, S – *Supply Chain Management: Strategy, Planning, and Operation, Global Edition, Seventh Edition*, Pearson (2019), ISBN-13: 9781292257891

Christopher, M – *Logistics & Supply Chain Management, Fifth Edition*, Pearson (2016), ISBN-13 9781292083797

Веб-Сайтлар

www.hse.gov.uk

Соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик бўйича тегишли амалиётлар ва жараёнлар ёритилган Буюк Британия ҳукуматининг веб-сайти.

www.hse.gov.uk/logistics/warehousing.htm

Омборхона ва сақлаш соҳасида соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик қоидалари бўйича қўлланма.

www.firesafe.org.uk

Буюк Британиянинг ёнғин хавфсизлигига бағишланган, “ёниб турган учбурчак” ҳақида фойдали маълумотлари мавжуд сайт.

www.shponline.co.uk/common-workplace-hazards/heinrichs-triangle-health-and-safety-cpd/

Heinrich нинг “бахтсиз ҳодиса учбурчаги” ҳақида фойдали маълумотлари.

Pearson ҳар қандай ташқи интернет сайтларнинг мазмуни учун жавобгар эмас. URL-манзил ҳали ҳам аниқ, тегишли ва мос эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун синфда ишлатишдан олдин ўқитувчилар ҳар бир веб-сайтни кўриб чиқишлари муҳимдир. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтлар яратишни ва ўқувчиларга мактаб / коллеж ички тармоғи орқали уларга киришни таъминлашни таклиф қиламиз.

Иш схемаси

Модул	5-модул: Омбор муҳитида талабларга мувофиқлик.
Ўқув соатлари	60
Дарслар сони	20
Дарслар давомийлиги	3 соат
Бошқа модулларга ҳаволалар	3-модул : Омбор жараёнларини бошқариш. 7-модул: Омборда захиралар назорати.

Ўқитиш учун калитлар			
ЁМТ	Ёзма мустақил топшириқ	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқитиш	ИТ	Иш тажрибаси

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Модулга кириш А1 Умумий қоидалар мақсади		<ul style="list-style-type: none"> Кириш: Асосий мавзулар ҳақида умумий маълумот беринг ва улар омбор бошқарувчисининг роли ва мажбуриятларига қандай таъсир қилишини модулда таништиринг. Модул учун вазифалар, жараёнлар, баҳолашлар ва тахминларни тушунтиринг. Жуфликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар умумий қоидалар нимани англатишини ва нима учун кераклигини муҳокама қилишади. 	<p>Доска/флип-чарт</p> <p>Модулнинг спецификацияси</p> <p>Интернетга уланган компьютерлар</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Кичик гуруҳларда машқлар: Ўқувчилар умумий сақлаш қоидаларини ўрганадилар ва рўйхат тузадилар. • Синфда кичик гуруҳларда тақдимот: Ўқувчилар машқлар натижаларини жуфт ва кичик гуруҳларда сақлашга оид умумий қоидаларнинг мақсади ва аҳамиятини ёритиб берадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ҳар бир ҳолатни, ҳаракатни ҳам шахс сифатида, ҳам раҳбар сифатида талабларга риоя қилиш учун зарур бўлган ҳаракатларни шунингдек, ташкилот, мижозлар, раҳбарлар ва шахслар учун риоя қилмаслик оқибатларини муҳокама қилинг. • Дарсни мустаҳкамлаш: Дарс мазмунини ёзиб олинг ва ўқувчининг тушунишини синаб кўринг. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар умумий қоидаларни тушунадилар ва текширадилар. 	<p>5 – модулнинг ўқув мазмуни ва мақсадлари ҳақида тақдимотлар</p>
2	<p>A2 Техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш</p> <p>A3 Риоя қилмаслик оқибатлари</p>		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўтган дарсни мустаҳкамланг ва мавзуни таништиринг. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар саломатлик ва хавфсизлик қоидалари нимани англатишини ва уларнинг мақсадларини муҳокама қиладилар. Омбор қоидалари рўйхатини яратинг. • Кичик гуруҳларда / жуфликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар омбор ишларининг қайси жиҳатлари соғлиқ ва хавфсизлик қоидаларига таъсир қилишини аниқлайдилар. 	<p>Баҳолаш учун ишчи дафтар</p> <p>Модул спецификацияси</p> <p>Интернетга уланган компьютерлар</p> <p>Доска/флип-чарт</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Синфда кичик гуруҳларда тақдимот: Олинган натижаларни жуфт ва кичик гуруҳларда машқ қилиш учун ўқувчилар омборда соғлиқ ва хавфсизлик қоидаларининг мақсади ва аҳамиятини умумлаштирадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Омбор бошқарувчисининг ролини, ҳам шахс сифатида, ҳам раҳбар сифатида талабларни бажариш учун зарур бўлган ҳаракатларни, шунингдек ташкилот мижозлар, раҳбарлар ва шахслар учун риоя қилмаслик оқибатларини муҳокама қилинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчи тушунчасини мустаҳкамлаш учун дарс мазмунини муҳокама қилинг. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик қоидалар ҳақида тушунчаларини ўрганадилар ва тасдиқлайдилар. 	
3	Баҳолаш учун ишчи дафтарнинг 1 – топшириғи	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Баҳолаш учун ишчи дафтарининг 1 – топшириғини баҳолаш талабларини тушунтиринг. Ўқувчиларнинг тушунчасини тасдиқлаш учун савол – жавоблар сессиясидан фойдаланинг. • Баҳолаш машқлари: Баҳолаш учун ишчи дафтарларини бериш. Ўқувчилар баҳолаш учун иш дафтарининг 1-топшириғини тўлиқ бажарадилар ва топширадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: 1 – топшириқни муҳокама қилинг ва ўқувчилар ҳар қандай саволларини берадилар. 	<p>Модул спецификацияси</p> <p>Баҳолаш учун ишчи дафтарнинг 1 – топшириғи</p> <p>Доска/флип-чарт</p> <p>Интернетга уланган компьютерлар</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
				Олдинги дарслар бўйича ўқув – услубий ресурслар
4	В1 Соғлиқни ва хавфсизлик соҳасидаги сиёсат		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ушбу дарс учун мавзу ва машқлар билан таништиринг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик сиёсатининг мазмуни ва мақсадини муҳокама қилинг. Ўқитувчи коллеждаги соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик сиёсати ҳақида ўқувчилар билан ўртоқлашади. • Кичик гуруҳларда машқлар: Ўқувчилар соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик соҳасида коллеж сиёсати билан биргаликда қуйидагиларни аниқлаш учун ишлайди: омбор муҳитига тегишли бўлган асосий жойлар, соҳалар, омбор муҳитида зарур бўлган қўшимча маълумотлар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчилар машқлардан олган натижаларини кичик гуруҳларга бўлишадилар. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқитувчи ўқувчиларга соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик сиёсатига киритилиши керак бўлган, асосий соҳалар рўйхатини талаб қиладиган кичик омбор сценарийси билан таништиради. Ўқувчилар асосий йўналишларнинг рўйхатини тузадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Мустақил дарсдан ташқари ишлар учун қўйиладиган талаблар ва рўйхатлар билан ишлашнинг жараёни тўғрисида. 	<p>Модул спецификацияси</p> <p>Баҳолаш учун ишчи дафтар</p> <p>Коллежда соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик техникаси сиёсати</p> <p>Доска/флип-чарт</p> <p>Интернетга уланган компьютерлар</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик техникаси соҳаси сиёсатининг асосий йўналишларини батафсил ўрганадилар ва тузиб чиқадилар. 	
5	В2 Хавфни баҳолаш ва COSHH (СУХМНҚ) ва маркировкалаш талабларига риоя қилиш		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўтган дарсни мустаҳкамланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Таваккал ва хавф ўртасидаги фарқни ва хавфни баҳолашнинг мақсадини муҳокама қилинг. Бошқариш чоралари ва бошқариш иерархиясини муҳокама қилинг. • Кичик гуруҳларда машқлар: Ўқувчилар хавф ва потенциал хавфларни синфда аниқлайдилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчилар ўзларининг хулосалари билан бўлишадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: Хатарлар баҳолаш шаблонлари билан таништиринг ва балларни ҳисоблаш тизимини тушунтиринг. Хавфни қандай баҳолашни тушунтиринг. • Мустақил бажариш учун машқ: Кичик гуруҳлардаги олдинги машқларга асосланиб, хавфларни баҳолаш шаблонини тўлдирилинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Синфда хавфни баҳолаш натижаларини муҳокама қилинг. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар уйда хавфни баҳолашни ўтказадилар ва назорат чораларини тавсия қиладилар. 	<p>Модул спецификацияси</p> <p>Хавфларни баҳолаш ҳақида тақдимот</p> <p>Хавфларни баҳолаш шаблонлари ва балларни ҳисоблаш тизими</p> <p>Интернетга уланган компьютерлар</p> <p>Доска</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
6	B2 Хавфни баҳолаш ва COSHH (СУХМНҚ) ва маркировкалаш талабларига риоя қилиш		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Олдинги дарсни мустаҳкамланг ва 5-дарснинг мустақил дарсдан ташқари фаолиятини назорат чораларини муҳокама қилинг. • Ўқитувчи хавфларни баҳолаш шаблонларини тарқатади. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар хавфни баҳолашни ўрганадилар ва бошқариш иерархиясидан фойдаланган ҳолда назорат чораларини белгилайдилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Синф назорати бўйича ўқувчиларнинг фикри. • Дарсни мустаҳкамлаш: Ўқувчи тушунчасини мустаҳкамлаш учун дарс мазмунини муҳокама қилинг. 	<p>Модул спецификацияси</p> <p>Ўқувчининг 5-дарс бўйича синфдан ташқари мустақил иши</p> <p>Хавфларни баҳолаш шаблонлари ва балларни ҳисоблаш тизими</p> <p>Хавфларни баҳолаш</p> <p>Доска/флип-чарт</p> <p>Интернетга уланган компьютерлар</p>
7	B2 Хавфни баҳолаш ва COSHH (СУХМНҚ) ва маркировкалаш талабларига риоя қилиш		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Олдинги дарсни мустаҳкамланг. • Ўқитувчи тақдироти: CLP ёрлиқли тез-тез ишлатиладиган маҳсулотларни муҳокама қилинг ва CLP ва COSHH қоидаларига умумий маълумот беринг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Маркировкага талабларни, техпаспортларга бўлган эҳтиёжни ва сақлаш учун муҳимлигини тушунтиринг. 	<p>Доска</p> <p>Интернетга уланган компьютерлар</p> <p>Модул спецификацияси</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи тақдимоти: Сизиб чиқиш тўпламининг таркиби ва ишлатилишини, шу жумладан PPE – ни намойиш этиш. • Кичик гуруҳларда машқлар: Ушбу сценарийларга кўра, ўқувчилар етишмовчиликни қандай ҳал қилишни ўрганиб, етишмовчиликни бартараф этиш учун жараёнлар ва ҳаракатларни тавсия қиладилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчилар хулосаларни бутун гуруҳ билан баҳам кўрадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчиларнинг қамраб олинган материални тушунишларини синаш учун материални мустаҳкамлаш. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар барча CLP пиктограммаларининг қийматларини қайта кўриб чиқадилар. 	<p>CLP ёрлиғи ва техпаспорт намуналари</p> <p>Сизиб чиқиш учун тўпламлар</p> <p>CLP билан ёрлиқланган маҳсулотлар тақдимоти ва CLP ва COSHH қоидаларига умумий нуқтаи назар</p>
8	В3 Ёнғин хавфсизлиги		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўтган дарсни мустаҳкамланг ва дарс мақсадларини тушунтиринг. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: «Ёнғин учбурчаги» ни ва ёнғин қандай бошланишини тушунтиринг. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: Ёнғинларнинг турли тоифалари, турли тоифадаги ёнғинларнинг сабаблари, шунингдек турли хил ёнғин ўчиргичлари ва ёнғинни ўчириш воситаларининг ишлатилишининг сабаблари тушунтирилади. 	<p>Модул спецификацияси</p> <p>Доска/флип-чарт</p> <p>Интернетга уланган компьютерлар</p> <p>«Ёнғин учбурчаги» нинг тарқатма материаллари</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Кичик гуруҳларда машқлар: Ўқувчилар омборда ёнғин келиб чиқиш сабаблари, олдини олиш усуллари ва ёнғин ўчириш мосламалари / жиҳозлари тўғри турини муҳокама қиладилар. • Ўқитувчи раҳбарлигидаги муҳокама: Ўқувчилар ўз хулосаларини бутун гуруҳ билан баҳам кўрадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчиларнинг тегишли мавзуларни тушунганликларини синаб кўринг. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар ранглар маркировкаси ва турли хил ўчириш воситаларини ўрганадилар ва қайта кўриб чиқадилар. 	<p>Ёнғинга қарши ускуналар</p> <p>«Ёнғин учбурчаги» ва ёнғинларнинг қандай бошланиши ҳақида тақдимот</p>
9	<p>ВЗ Ёнғин хавфсизлиги</p> <ul style="list-style-type: none"> • Эвакуация жараёнлари 		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўтган дарсни мустаҳкамланг. Белгиланган эвакуация жараёнларига эҳтиёж ва синов эвакуациясининг мақсадини муҳокама қилинг. • Кичик гуруҳларда машқлар: Ўқувчилар коллежнинг ёнғин эвакуациясини муҳокама қилишмоқда. • Умумий машқлар: Ўқувчилар синов эвакуациясида қатнашадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Мавжуд жараёнларнинг самарадорлиги ва мумкин бўлган яхшиланишларни муҳокама қилинг. • Дарсни мустаҳкамлаш: Ўқиганингизни хулоса қилинг ва ўқувчи тушунчасини синаб кўринг. 	<p>Модул спецификацияси</p> <p>Интернетга уланган компьютерлар</p> <p>Доска</p> <p>Коллежнинг ёнғиндаги эвакуация қилиш тартиби</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
10	В4 Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича кўрсатмаларга риоя қилмаслик оқибатлари	ТЭС	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўтган дарсни мустаҳкамланг ва таклиф этилган спикерни таништиринг. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: Хайнрихнинг бахтсиз ҳодиса учбурчагини таништиринг. • Таклиф этилган спикер: Хавфсиз иш тартибининг аҳамияти ҳақида гаплашинг. Ўқувчилар савол берадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: «Яқиндан ўтказилиб юборилган нарса» нима эканлигини ва унга риоя қилмаслик ҳолатлари тўғрисида хабар бериш ва текшириш зарурлигини муҳокама қилинг. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар бахтсиз ҳодисалар нима эканлигини ва ишдаги бахтсиз ҳодисалар ва жароҳатларнинг умумий сабабларини муҳокама қиладилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчилар дарс натижаларини жуфтлик ўқувчиларда муҳокама қилинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчиларнинг тегишли мавзуларини тушунганликларини текшириб кўриш. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар дарсда ўтилган мавзуларини қайта кўриб чиқадилар. 	<p>Модул спецификацияси</p> <p>Доска</p> <p>Изланиш учун интернетга уланган компьютерлар</p> <p>Хайнрихнинг бахтсиз ҳодисалар учбурчаги тақдими ва тарқатма материаллар</p> <p>Таклиф этилган спикер</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
11	<p>В4 Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича кўрсатмаларга риоя қилмаслик оқибатлари</p> <p>Атроф-муҳит, объектлар ва омборнинг нотўғри жойлашининг оқибатлари</p>		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўтган дарсни мустаҳкамланг. Тўғри сақлаш жойи, атроф-муҳит ва шароитлар зарурлигини муҳокама қилинг. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар нотўғри сақлаш жойлари ва атроф – муҳитнинг тўғри шароитларига мос келмаслик оқибатларини ўрганадилар ва муҳокама қиладилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчиларнинг жуфтликлардаги натижаларини муҳокама қилинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: Дарс мазмунига оид умумий омбор масалаларини тақдим этинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчилар мавзуларни тушунганликларини текшириб кўринг. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар омбор режаларини, экологик талабларни ва объектларини ўрганадилар ва кўриб чиқадилар. 	<p>Модул спецификацияси</p> <p>Доска</p> <p>Интернетга уланган компьютерлар</p> <p>Омборнинг планировкаси билан боғлиқ бўлган омбор муаммоларининг тақдими</p>
12	<p>В4 Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича кўрсатмаларга риоя қилмаслик оқибатлари</p>		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўтган дарсни мустаҳкамланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Тегишли санитария – гигиена стандартларига риоя қилиш ва захираларнинг сифатини сақлаш зарурлигини муҳокама қилинг. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар санитария – гигиена стандартларига риоя қилмаслик оқибатлари ва захиралар сифатини муҳокама қиладилар. 	<p>Модул спецификацияси</p> <p>Доска</p> <p>Интернетга уланган компьютерлар</p> <p>Омбор гигиенаси ва омборхона сифати</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
	<ul style="list-style-type: none"> • Гигиена қоидаларига риоя қилмаслик оқибатлари • Захиралар сифатига эътибор қилмаслик оқибатлари 		<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчиларнинг жуфтликлардаги натижаларини муҳокама қилинг. • Ўқитувчи тақдимоти: Дарс мазмунига оид умумий омбор масалаларини тақдим этинг. • Савол ва жавоб сессияси: Ўқувчилар мавзуларни тушунганликларини синаб кўринг. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар захиралар сифатига риоя қилмаслик оқибатларини кўриб чиқадилар ва текширадилар. 	билан боғлиқ умумий омбор масалалари бўйича тақдимот
13	<p>В4 Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича кўрсатмаларга риоя қилмаслик оқибатлари</p> <ul style="list-style-type: none"> • Махсус сақлаш шароитлари • Бахтсиз ҳодисалар / ҳодисаларни бартараф этиш 		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ўтган дарсни мустаҳкамланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: Махсус сақлаш шароитлари заруриятини тушунтиринг. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар нотўғри сақлашнинг оқибатларини муҳокама қилдилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчиларнинг жуфтликлардаги машқларини муҳокама қилинг. • Ўқитувчи тақдимоти: Бахтсиз ҳодисалар тўғрисида ҳисобот шаклларини қандай тўлдиришни ва тергов ўтказиш зарурлигини муҳокама қилинг. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар ушбу сценарий бўйича бахтсиз ҳодисалар тўғрисидаги ҳисобот шаклини тўлдирадилар. 	<p>Модул спецификацияси</p> <p>Доска</p> <p>Интернетга уланган компьютерлар</p> <p>Махсус сақлаш шароитларига эҳтиёж тўғрисида тақдимот.</p> <p>Бахтсиз ҳодисалар тўғрисидаги ҳисобот шакллари</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчилар мавзуларни тушунганликларини синаб кўринг. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар махсус сақлаш шароитларини қайта кўриб чиқадилар. 	
14	В ўқитиш мақсадини қайта кўриб чиқиш		<ul style="list-style-type: none"> • Ўтган дарсни мустаҳкамланг ва дарс мақсадларини тушунтиринг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: В ўқитиш мақсадида муҳокама қилинган барча мавзуларни муҳокама қилинг. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар барча мавзуларни кўриб чиқадилар ва омбор талабларига жавоб беришнинг муҳимлигини муҳокама қиладилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчилар 16 – дарсда қатнашиш учун саволлар ва қизиқарли фикрлар бўйича рўйхат тузадилар. • Ўқитувчи раҳбарлигида савол – жавоб сессияси: Текшириш сессиясида кўрсатилган муҳим масалаларни ажратиб кўрсатинг. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Баҳолаш учун ишчи дафтарининг 2 – топшириғини бажаришга тайёргарлик кўриш жараёнида ўқув мақсадининг таркибини қайта кўриб чиқиш. 	<p>Баҳолаш учун ишчи дафтарнинг 2-топшириғи</p> <p>Модул спецификацияси</p> <p>Ўтган дарсларнинг барча ўқув – методик материаллари</p> <p>Флип-чарт</p> <p>Интернетга уланган компьютерлар</p>
15	Баҳолаш учун ишчи дафтарнинг 2 – топшириғи	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ушбу дарс учун машқларни тақдим этиш, шу жумладан баҳолаш талаблари ва плагиат ва бепарволикни эслатиш. 	Модул спецификацияси

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи раҳбарлигида савол – жавоб сессияси: Ўқувчилар топшириқ талабларини тўлиқ тушунганликларига ишонч ҳосил қилинг. • Баҳолаш машқлари: Ўқувчилар иш дафтарининг 2 – топшириғини яқунлайдилар ва баҳолаш учун топширадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: 2 – топшириқ бажарилишини муҳокама қилинг ва ўқувчилар ҳар қандай савол беришлари мумкин. 	<p>Интернетга уланган компьютерлар</p> <p>Баҳолаш учун ишчи дафтарнинг 2 – топшириғи</p>
16	Омборга ташриф	Т	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: 14 – дарсдан хавфсизлик техникаси ва соғлиқни сақлаш қоидаларини мустаҳкамланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: Ўқувчиларга улар қатнашадиган ташкилот ва унинг фаолияти тўғрисида маълумот беринг. • Ташриф: Ўқувчилар амалдаги хавфсиз иш тартибига риоя қилиш ва назорат қилиш учун фаол омборга ташриф буюрадилар. Ўқувчилар 14 – дарсда тайёрлаган саволларини берадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчилар ташрифдан нималарни билиб олганликларини, шу жумладан уларнинг фикрлари ва изоҳларини муҳокама қилинг. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар ташриф яқунлари тўғрисида эслатмалар ёзадилар. 	<p>Модул спецификацияси</p> <p>Блокнотлар и ручкалар</p> <p>Клипбордлар</p> <p>14 – дарсда тайёрланган саволлар</p> <p>Мавжуд омборни ташкил қилиш</p> <p>Ташриф учун ҳужжатлар</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
17	<p>C1 Захиралар, инсонлар, бинолар ва маълумотларнинг хавфсизлиги</p> <p>C2 Хавфсизлик чораларининг ўзига хос хусусиятлари ва устунликлари</p> <p>C3 Хавфсизлик чораларига риоя қилмаслик оқибатлари</p>		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ташрифни мустаҳкамланг ва дарс мақсадларини тушунтиринг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Нима учун товарлар захирада хавфсиз сақланиши кераклигини ва турли хил хавфсизлик чораларини муҳокама қилинг. • Кичик гуруҳларда машқлар: Ўқувчилар турли хил хавфсизлик чораларининг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида қисқача ҳисобот тузадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчилар ҳисоботини муҳокама қилиш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Омборда хавфсизлик таъминланмаса, нима бўлишини муҳокама қилинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчиларнинг тушунчасини текширинг. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар турли хавфсизлик чораларини ўрганадилар ва кўриб чиқадилар. 	<p>Модул спецификацияси</p> <p>Интернетга уланган компьютерлар</p> <p>Доска/флип-чарт</p>
18	Баҳолаш учун ишчи дафтарнинг 3 – топшириғи	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Ушбу дарснинг босқичларини, шу жумладан 3-топшириқни баҳолаш талабларини ва плагиат ва бепарволикни эслатишни тушунтиринг. Ўқувчиларнинг тушунчасини тасдиқлаш учун савол – жавоблардан фойдаланинг. • Баҳолаш машқлари: Ўқувчилар баҳолаш учун ишчи дафтарининг 3 – топшириғини яқунлаб, баҳолаш учун топширадилар. 	<p>Модул спецификацияси</p> <p>Доска/флип-чарт</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Баҳолаш учун иш дафтарининг 3 – топшириғини бажаришда эришган ютуқлар ва дуч келган муаммоларни муҳокама қилиш учун ўқувчиларни бир жойга тўпланг. 	<p>Баҳолаш учун ишчи дафтарининг 3 – топшириғи</p> <p>Интернетга уланган компьютерлар</p> <p>Олдинги дарслар учун барча ўқув – методик материаллар</p>
19	А, В ва С ўқитиш мақсадларини қайта кўриб чиқиш	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Дарс мақсадларини тушунтиринг. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: Модул бўйича қамраб олинган ҳар бир мавзу учун таркибга умумий нуқтаи назарни тақдим этинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги савол-жавоб сессияси: ўқувчиларнинг модулнинг барча мазмунини тушунганликларини текширинг. • Кичик гуруҳлардаги машқлар: Ўқувчиларни уч гуруҳга бўлинг. Ҳар бир гуруҳга модулнинг ўқув мақсадларидан бирини беринг ва ўқитувчининг тегишли тақдимотларини беринг. Ўқувчилар ўқув мақсадларининг мазмунини муҳокама қиладилар. Ўқувчилар олган билимлари тўғрисида хулоса ёзадилар. 	<p>Баҳолаш учун ишчи дафтар</p> <p>Модул спецификацияси</p> <p>Олдинги дарслар учун барча ўқув – методик материаллар</p> <p>Барча мавзулар бўйича тақдимот</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўз навбатида ҳар бир гуруҳ ўз хулосаларини гуруҳнинг қолган аъзоларига тақдим этади. Ҳар бир гуруҳ ўқувчилари ҳар бир ўқув мақсадини тушуниш учун бошқа гуруҳларга саволлар берадилар. • Дарсни мустаҳкамлаш: Ўқувчиларингизнинг барча мавзуларни тушунганликларини синаб кўринг. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчи ушбу модул учун барча баҳолаш мезонларини ўрганадилар. 	
20	Модулни кўриб чиқиш ва баҳолаш бўйича қайта алоқа	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Дарс мақсадлари билан таништиринг ва олдинги дарснинг мазмунини мустаҳкамланг. • Ўқитувчи раҳбарлигида савол – жавоб сессияси: Ўтган дарсдан келиб чиқадиган саволларга жавоб беринг. • Умумий муҳокамалар: Ўқувчилар гуруҳ томонидан тараққиётни кўриб чиқадилар. • Ўқитувчи – ўқувчи бирга-бир сессияси: Ўқувчиларни баҳолаш ва муаммоларни муҳокама қилиш учун тугалланган ишчи дафтарлари ҳақида фикрлар билдиринг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Модул бўйича баҳоларни тасдиқланг ва ўқувчилар фикрларини тўпланг. 	<p>Баҳолаш учун ишчи дафтар</p> <p>Модул спецификацияси</p> <p>Баҳолаш ҳақида ҳисобот</p> <p>Модул учун барча ўқув-методик ресурслар</p> <p>Флип-чарт</p>

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 4-даража Омбор назорати соҳаси бўйича малакалар
Модул	5-модул: Омбор муҳитида талабларга мувофиқлик
Дарс рақами	1 (3 соат)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчиларга қуйидагиларни тақдим этиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> • модул таркиби • ўқитиш мақсади ва баҳолаш мезонлари • омборга қўйиладиган талабларга риоя қилишнинг аҳамияти ва бу омбор бошқарувчиси ролига қандай таъсир қилиши • омборларни сақлашнинг ва таъминот занжирининг умумий қоидалари
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш учун ишчи дафтар • Модул спецификацияси • 5-модулнинг мазмуни ва ўқув мақсадлари тўғрисида тақдимот (СТ) • Изланиш учун интернетга уланган компьютерлар • Доска/флип-чарт
Калит: МР: Машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: Тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчи қайдлар
Бошланғич машқлар (30 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи тақдимоти: Дарснинг мақсади, модули ва модулнинг асосий мавзулари ҳақида қисқача маълумот беринг. Модулни баҳолаш талабларини тушунтиринг.
Асосий машқлар (120 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Жуфликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар умумий қоидалар нимани англатишини, нима учун кераклигини ва уларнинг мақсади нима эканлигини муҳокама қиладилар. • Кичик гуруҳларда машқлар: Ўқувчилар омборда сақлаш билан боғлиқ умумий қоидаларни ўрганадилар ва муҳокама қиладилар, омбор ишларининг қайси жиҳатлари таъсир қилишини аниқлайдилар ва рўйхат тузадилар. • Кичик гуруҳларда тақдимот: Жуфт ва кичик гуруҳлардаги машқлардан олган хулосаларидан фойдаланиб, ўқувчилар омборни сақлашнинг умумий қоидаларининг мақсади ва аҳамиятини умумлаштирадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ҳар бир қоидани, шахс ва раҳбар томонидан бажарилиши керак бўлган ҳаракатларни ва ташкилот, мижозлар, раҳбарлар ва шахслар учун номувофиқлик оқибатларини муҳокама қилинг.
Якуний машқлар (30 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ўқувчининг тушунчасини мустаҳкамлаш учун дарс мазмунини муҳокама қилинг.
Синфдан ташқари мустақил иш	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар изланишади ва умумий қоидалар ва уларга риоя қилиш зарурлигини тушунганликларини тасдиқлайдилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 4-даража Омбор назорати соҳаси бўйича малакалар
Модул	5-модул: Омбор муҳитида талабларга мувофиқлик
Дарс рақами	2 (3 соат)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчиларга қуйидагиларни тақдим этиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> • омборхона ва таъминот тармоғида амал қилувчи соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик техникаси қоидалари • омборхона ва таъминот тармоғида соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик техникаси қоидаларининг муҳимлиги.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш учун ишчи дафтар • Модул спецификацияси • Изланиш учун интернетга уланган компьютерлар • Доска/флип-чарт
--------------------------	---

Калит: **МР:** Машқлар рўйхати; **ФШ:** Форма шаблони; **ТС:** Тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчи қайдлар
Бошланғич машқлар (30 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўтган дарсни мустаҳкамланг. • Дарс мақсадлар билан таништиринг. • Ўқувчиларни омборда ва таъминот занжирида амал қиладиган соғлиқ ва хавфсизлик қоидалари билан таништиринг.
